



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 17 » ноябрь

№ 724

Toshkent sh.

Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги юзасидан қўшимча талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ёғ-мой маҳсулотлари хавфсизлигига нисбатан қўйиладиган талаблар, шу жумладан, санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативлар, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, тамғалаш, сақлаш, ташиш, қайтариб олиш ва утилизация қилиш (қайта ишлаш), муомалага чиқариш, сотиш, намуна олиш, идентификация қилиш ва мувофиқлигини баҳолаш ҳамда синовдан ўтказиш бўйича талабларни назарда тутувчи **Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент** (кейинги ўринларда – Техник регламент) ва уни жорий этиш схемаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач амалга киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 19 июлдаги 520-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси, “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда аҳоли, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари Техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида кенг хабардор қилинишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Саноатни ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Ёғ-мой маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Техник регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилаётган ёғ-мой маҳсулотларига татбиқ этилади ва уларга қўйиладиган талабларни, жумладан, уларни қадоқлаш ва тамғалаш ҳамда ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш жараёнларига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ушбу Техник регламент талаблари қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

саноат усулида ишлаб чиқарилмаган ёғ-мой маҳсулотларига;

озуқавий бўлмаган ёғ-мой маҳсулотларига, табиий хом глицерин ва хўжалик совуни бундан истисно.

2. Техник регламент талаблари озуқавий ва озуқавий бўлмаган маҳсулотлар тоифасига кирувчи ёғ-мой маҳсулотларига нисбатан ушбу Техник регламентга 1-иловага мувофиқ қўлланилади.

Ўсимлик мойлари мойли хомашёлар туридан келиб чиқиб ушбу Техник регламентга 2-3-иловаларга мувофиқ турларга бўлинади.

Истеъмолчиларда нотўғри тушунча келиб чиқишининг (чалғитишнинг) олдини олиш мақсадида ёғ-мой маҳсулотлари (маҳсулот гуруҳлари) айнан бир турга мансублиги ушбу Техник регламентнинг 4-бобида келтирилган маҳсулотлар гуруҳларининг хусусиятлари ҳамда уларни тавсифловчи белгилар асосида идентификация қилиш орқали амалга оширилади.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

3. Ушбу Техник регламентда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

3.1. Ёғ-мой маҳсулотлари таърифлари:

ёғ-мой маҳсулотлари – ўсимлик мойлари ёки ўсимлик мойлари ҳамда ҳайвон мойлари ва ёғлари асосида (денгиз сут эмизувчилари ва балиқ мойларини ҳисобга олганда) озуқавий қўшимчалар ва бошқа ингредиентлар, сув қўшиб ёки қўшмасдан олинган ўсимлик мойлари ва маҳсулотлар;

озуқавий ёғ-мой маҳсулотлари – таом тайёрлашда истеъмол учун ёки озиқ-овқат саноатининг турли тармоғида қўлланиладиган ёғ-мой маҳсулотлари.

3.2. Озуқавий ёғ-мой маҳсулотлари таърифлари:

мойли хомашё – мойли ўсимликларнинг уруғлари ва меваси, ўсимликлар турларининг мойли қисмлари;

ўсимлик мойи фракцияси – бирламчи ўсимлик мойи ва унинг фракциялари эриш ҳароратидан фарқли эриш ҳароратига эга бўлган, ўсимлик мойи фракцияларининг ёки ўсимлик мойини фракциялаш жараёнида ажратиб олинган ёғ кислотаси глицеридларининг аралашмаси;

ўсимлик мойи – мойли хомашёдан ажратиб олинган, ёғ миқдори 99 фоиздан кам бўлмаган ёғ кислоталарининг глицеридлари ва уларга ёндош моддаларнинг аралашмаси;

рафинацияланмаган ўсимлик мойи – йирик ва майда қаттиқ заррачалардан тозаланган, лекин тўлиқ рафинациялаш жараёнларидан ёки бу жараёнларнинг баъзиларидан ўтмаган мой;

рафинацияланмаган пахта мойи – йирик ва майда қаттиқ заррачалардан тозаланган, кейинчалик рафинацияланган пахта мойи олиш мақсадида фақат қайта ишлаш (рафинациялаш, дезодорациялаш)га мўлжалланган оралиқ маҳсулот;

музлатилган ўсимлик мойи – қуйқалардан тозаланган ва паст ҳароратда мумли моддаларни ажратиш жараёнидан ўтган ўсимлик мойи;

гидратацияланган ўсимлик мойи – таркибидаги фосфорли моддалардан тозаланган ўсимлик мойи;

рафинацияланган ўсимлик мойи – рафинациялашнинг тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган тозалаш жараёнларидан ўтган ўсимлик мойи;

дезодорацияланган рафинацияланган ўсимлик мойи – дезодорациялаш жараёнидан ўтган рафинацияланган ўсимлик мойи;

аралаш ўсимлик мойи – турли хил нисбатларда аралаштирилган ўсимлик мойларининг аралашмаси;

хушбўйлантирилган ўсимлик мойи – таъм ва ҳид берувчи қўшимчалар қўшилган ўсимлик мойи;

табiiй ўсимлик қўшимчали ўсимлик мойи – табiiй ўсимликлар экстрактлари қўшилган ўсимлик мойлари;

модификацияланган ўсимлик мойлари – модификациялаш (генетик жиҳатдан модификациялашдан ташқари) жараёнларидан бири гидрогенизациялаш, перестерификациялаш, фракциялашга учраган ўсимлик мойлари;

(саломас) гидрогенизацияланган рафинацияланган дезодорацияланган мой (ёғ) – ўсимлик мойларини гидрогенизациялаб ҳайвон ёғи, денгиз сутэмизувчилари ва балиқ мойларини қўшиб ёки қўшмасдан олинган, рафинациялаш ва дезодорациялаш жараёнидан ўтган озуқавий маҳсулотлар учун хомашё;

перезтерификацияланган рафинацияланган дезодорацияланган мой (ёғ) – ўсимлик мойларига хайвон ёғларини, денгиз сутэмизувчилари ва балиқ мойларини қўшиб ёки қўшмасдан перезтерификациялаш ва дезодорациялашдан ўтган озуқавий маҳсулотлар учун хомашё;

маҳсуе қўлланишга мўлжалланган ёғлар (нон, қандолат маҳсулотлари, пиширик учун ёғлар ва бошқалар) – таркибидаги ёғнинг масса улуши 98 фоиздан кам бўлмаган, турли саноат тизимларида қўллаш учун модификацияланган ва (ёки) модификацияланмаган ўсимлик мойларидан хайвон ёғлари ёки уларнинг аралашмасини қўшиб ёки қўшмасдан, шунингдек, озуқавий қўшимча ва ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан олинган ёғли маҳсулот;

маргарин – таркибидаги ёғнинг масса улуши 20 фоиздан кам бўлмаган, модификацияланган ва (ёки) модификацияланмаган ўсимлик мойларидан хайвон ёғлари ёки уларнинг аралашмасини қўшиб ёки қўшмасдан, сув, сут ва (ёки) уни қайта ишлаб олинган маҳсулотлар, шунингдек, озуқавий қўшимча ва ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан тайёрланган эмульсияли юқори дисперсли ёғли маҳсулот;

қаттиқ маргарин – пластик зич консистенцияга эга ва 20 ± 2 °C ҳароратда ўз шаклини сақлаб турадиган маргарин;

юмшоқ маргарин – 10 ± 2 °C ҳароратда пластик юмшоқ консистенцияга эга маргарин;

суёқ маргарин – суёқ консистенцияга эга суёқ маргариннинг аниқ қўлланиш доирасига кўра маълум ҳароратда бир хил эмульсия хусусиятини сақлаб қолувчи маргарин;

сут ёғининг ўрнини босувчи маҳсулот – таркибидаги ёғнинг масса улуши 99 фоиздан кам бўлмаган модификацияланган ва (ёки) модификацияланмаган ўсимлик мойларидан, эриш ҳарорати 36°C дан кўп бўлмаган, 36°Cда таркибидаги қаттиқ триглицеридларнинг масса улуши 5 фоиздан, ёғ кислоталари микдоридаги тўйинган кислоталарнинг масса улуши эса 65 фоиздан кўп бўлмаган озуқавий қўшимчалар қўшиб ёки қўшмасдан олинган маҳсулот;

какао мойининг эквиваленти – таркибидаги ёғнинг масса улуши 99 фоиздан кам бўлмаган, какао мойига турли нисбатларда мос келадиган, қайта кристаллизацияланиши зарур бўлган, какао мойига хос физик-кимёвий хусусиятларга эга ва ёғ кислотаси таркибидаги лаурин кислотасининг масса улуши 1 фоиздан юқори бўлмаган, 2-олеоди тўйинган триглицеридлар масса улуши 50 фоиздан кам бўлмаган, модификацияланмаган ўсимлик мойларидан (эллипе, борнео, пальма, сал, ши, кокум, манго мағзи) ва уларнинг фракцияларидан озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан олинган маҳсулотлар;

SOS – турдаги какао мойини яхшиловчилар (SOS маҳсулотда 2-олеодистеарин мавжудлигини кўрсатади) – какао ёғига турли нисбатларда юқори даражада мос келадиган, қайта кристаллизацияланиши зарур бўлган, асосий таркиби 2-олеодистеарин (70 фоизгача)дан иборат, ёғ кислотаси таркибидаги лаурин кислотасининг масса улуши 1 фоиздан юқори бўлмаган, модификацияланмаган ўсимлик мойларидан (эллипе, борнео, пальма, сал, ши, кокум, манго мағзи) ва уларнинг фракцияларидан озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан олинган, таркибидаги ёғнинг масса улуши 99 фоиздан кам бўлмаган маҳсулотлар;

POP - турдаги какао мойининг ўрнини босувчилар (POP маҳсулотда 2-олеодипальмитин мавжудлигини кўрсатади) – какао мойига турли нисбатларда қисман мос келадиган (25 фоиздан кам эмас), қайта кристаллизацияланиши зарур бўлган, асосий таркиби 2-олеодипальмитин (50 фоизгача)дан иборат, ёғ кислотаси таркибидаги лаурин кислотасининг масса улуши 1 фоиздан юқори бўлмаган, модификацияланмаган ўсимлик мойларидан (эллипе, борнео, пальма, сал, ши, кокум, манго мағзи) ва уларнинг фракцияларидан ва (ёки) модификацияланган ўсимлик мойларига озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан олинган, таркибидаги ёғнинг масса улуши 99 фоиздан кам бўлмаган маҳсулотлар;

нолаурин туридаги темперирланмайдиган какао мойи ўрнини босувчилар – таркибида лаурин кислотасининг масса улуши 1 фоиздан юқори бўлмаган, темперирлаш зарур бўлмаган модификацияланган ўсимлик мойлари асосида озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан олинган, таркибидаги ёғнинг масса улуши 99 фоиздан кам бўлмаган маҳсулотлар;

лаурин туридаги темперирланмайдиган какао мойи ўрнини босувчилар – таркибида лаурин кислотасининг масса улуши 40 фоиздан кам бўлмаган, қайта кристаллизацияланиши (темперирлаш) зарур бўлмаган модификацияланган ўсимлик мойлари асосида озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан олинган, таркибидаги ёғнинг масса улуши 99 фоиздан кам бўлмаган маҳсулотлар;

спред – умумий ёғнинг масса улуши 39 фоиздан кам бўлмаган, сут ёғи ёки қаймоқ, сариёғ ва (ёки) модификацияланган ва (ёки) модификацияланмаган ўсимлик мойларига озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан ишлаб чиқилган, ёғли фазасининг суюқланиш ҳарорати 36°C дан юқори бўлмаган пластик консистенцияга эга бўлган ёғли эмульсияли маҳсулот;

ўсимлик-сариёғли спредлар – ёғ фазасининг таркибида сут ёғининг масса улуши 15 дан 50 фоизгача бўлган спред;

Ўсимлик-ёғли спредлар – ёғли фазаси таркиби сут ёғи қўшилган (15 фоиздан кам) ёки қўшилмаган модификацияланмаган ва (ёки) модификацияланган ўсимлик мойидан ташкил топган спред;

эритилган омухта аралашмалар – ёғнинг масса улуши 99 фоиздан кам бўлмаган сут ёғи (ёки) қаймоқ (ёки) сариёғ ва (ёки) модификацияланган ва (ёки) модификацияланмаган ўсимлик мойларини тўлиқ эриш ҳароратигача қиздирилиб, аралаштириб олинган ёки бошқа технологик усулларни қўллаш орқали олинган маҳсулот;

ўсимлик-сариёғли эритилган омухта аралашмалар – ёғ фазасининг таркибида сут ёғининг масса улуши 15 дан 50 фоизгача бўлган эритилган омухта аралашмалар;

ўсимлик-ёғли эритилган омухта аралашмалар – ёғли фазаси таркиби сут ёғи қўшилган (15 фоиздан кам) ёки қўшилмаган модификацияланмаган ва (ёки) модификацияланган ўсимлик мойидан ташкил топган эритилган омухта аралашмалар;

ўсимлик мойлари асосида тайёрланган крем – рафинацияланган дезодорацияланган ўсимлик мойларига ва (ёки) модификацияланган ўсимлик мойларига сутли ёки ўсимлик оксилларини шакар қўшган ёки қўшмаган ҳолда, шунингдек, табиий ҳўл мевалар, шарбатлар, озуқавий қўшимчалар, бошқа озуқавий ингредиентлардан тайёрланган, ёғ миқдори 10 фоиздан кам бўлмаган маҳсулот;

ўсимлик мойлари асосида тайёрланган соус – ёғ миқдори 5 фоиздан кам бўлмаган, бир ёки бир қанча ҳилдаги озуқавий ўсимлик мойлари ва (ёки) модификацияланган ўсимлик мойларига сув, озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентлар қўшиб ёки қўшмасдан, шунингдек, табиий зираворлар ва (ёки) сабзавотлар ва (ёки) ҳўл мевалар ва (ёки) кўзикоринлар, ва (ёки) бўлакчалар ва (ёки) кукун кўринишидаги ёнғоқлар, керакли таъм беришга мўлжалланган ва турли овқатларга зиравор сифатида ишлатиладиган маҳсулот;

майонез – рафинацияланган, дезодорацияланган ўсимлик мойлари, сув, тухум маҳсулотлари тухум сариғига (курук) қайта ҳисобланганда 1 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, қайта ишланган сут маҳсулотлари, озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентларни қўшиб ёки қўшмасдан тайёрланган куйи дисперс бир хил эмульсияланган маҳсулот;

майонезли соус – ёғ миқдори 15 фоиздан кам бўлмаган, рафинацияланган дезодорацияланган ўсимлик мойлари, сув, қайта ишланган сут маҳсулотлари, озуқавий қўшимчалар ва бошқа озуқавий ингредиентларни қўшиб ёки қўшмасдан тайёрланган юпқадисперсли эмульсияли маҳсулот;

дистилланган глицерин – ўсимлик мойларини ва (ёки) ҳайвон ёғларини гидролиз қилиш ёки совунлаш орқали олинган ва дистилляциялаш жараёнидан ўтган уч атомли спирт.

3.3. Озуқавий бўлмаган ёғ-мой маҳсулотлари таърифлари:

озуқавий бўлмаган ёғ-мой маҳсулоти – техник ва хўжалик мақсадлари учун қўлланиладиган ёғ-мой маҳсулоти;

хом табиий глицерин – ўсимлик мойларини ва (ёки) ҳайвон ёғларини гидролиз ёки совунланиш орқали синтез усулларини қўллагандан олинган уч атомли спирт;

хўжалик совуни – табиий ёғ кислоталарининг натрий ёки калий тузларидан таркиб топган, истеъмол хусусиятини яхшилаш учун синтетик, смолали ёки нафтен ёғ кислоталари (ёки уларсиз) ва бошқа қўшимчалар қўшилган маҳсулот.

3.4. Технологик жараёнлар ва бошқа хил таърифлар:

генетик модификацияланган организмлар – наслдан-наслга ирсий маълумотларни узатиш ёки ишлаб чиқаришга лаёқатли бўлган, шунингдек, табиий организмлардан фарқ қиладиган, ген-инженеринг усулларини қўллаб олинган ва ген-инженеринг маълумотларни сақлайдиган генлар, уларнинг бўлаклари ва генлар комбинациясидан ҳосил бўладиган организм ёки бир нечта организмлар, барча ҳужайрасиз, бир ҳужайрали ёки кўп ҳужайрали ҳосилалар;

рафинациялаш – ўсимлик мойи ва (ёки) ёғлар, (ёки) ҳайвон ёғлари ва ўсимлик мойларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни қуйидаги тозалаш жараёнлари: гидратация, нейтраллаштириш, ювиш, қуритиш, оқлаш, филтрлаш, дезодорациялаш ёки мойни ва (ёки) ёғни (ёки) ҳайвон ёғлари ва ўсимлик ёғларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг қўлланилишига кўра бу жараёнларнинг баъзиларининг мажмуасидан иборат;

гидратация – ўсимлик мойлари ва (ёки) ёғлар таркибидаги фосфор тутувчи моддаларни кимёвий, механик ва бошқа йўллар билан йўқотиш орқали қайта ишлаш;

дезодорациялаш – ўсимлик мойлари ва (ёки) ёғлардан қиздирилган буғ билан вакуум остида учувчи, хид берувчи ва таъм берувчи моддаларни йўқотиш;

дистилляциялаш орқали нейтраллаштириш – эркин ёғ кислоталари, хид берувчи ва бошқа учувчан моддаларни қиздирилган буғ билан вакуум остида ҳайдаш билан йўқотишнинг юқори ҳароратли жараёни;

дистилляциялаш – буғланиш ҳамда ҳосил бўлган буғларни конденсациялаш йўли билан тозалаш жараёни;

ўсимлик мойлари ва (ёки) ёғларни модификациялаш (генетик модификациялашдан ташқари) – ўсимлик мойлари ва (ёки) ёғларни гидрогенизациялаш, переэтерификациялаш, фракциялаш жараёнлари ёки уларнинг комбинациялари ёрдамида кимёвий, биокимёвий ёки физик қайта шакллантириш;

гидрогенизациялаш – ўсимлик мойлари таркибига кирувчи глицеридлар ёғ кислоталарининг тўйинмаган боғларини водород билан қисман ёки тўлиқ тўйинтириш жараёни;

перезтерификациялаш – ёғларнинг эриш ҳароратини пасайтириш, уларнинг пластиклигини ошириш ва ҳаводаги кислород билан оксидланишга турғунлигини таъминлаш мақсадида триацилглицериддаги ёғ кислоталари таркибини ўзгартирмаган ҳолда ёғ глицеридларининг ацил гуруҳларини қайта тақсимлаш жараёни;

фракциялаш – ўсимлик мойларини термомеханик йўл билан фракцияларга ажратиш;

юк ҳужжатлари:

– манфаатдор шахс томонидан ёғ-мой маҳсулотларининг истеъмолчидан ташқари, аввалги ва кейинги эгасини аниқлаш имконини таъминлайдиган ҳужжатлар;

– ёғ-мой маҳсулотлари мувофиқлиги тўғрисидаги декларация ва (ёки) унинг нусхаси;

маҳсулотлар (жараёнлар) идентификацияси – озуқавий маҳсулотлар (жараёнлар)нинг Техник регламентда белгиланган техник жиҳатдан тартибга солиш объектларига тегишлилигини ўрнатиш тартиби;

ишлаб чиқариш бинолари – ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тўғридан-тўғри фойдаланиладиган бинолар;

ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган бинолар, технологик асбоб-ускуналар ва жиҳозларни санитария тозалаш – технологик асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ювиш ёки ишлаб чиқариш бинолари юзасини бошқа хил тозаловдан ўтказиш натижасида ушбу бинолар, технологик ускуна ва жиҳозлар озуқавий ёғ-мой маҳсулотлари ва хомашёнинг ифлосланиши манбаи бўла олмайди;

ёғ-мой маҳсулотларини муомалага чиқариш – ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи маҳсулотни бошқа шахсга (ташувчига, сотувчига, истеъмолчига) топширган пайтдан бошлаб уни ишлаб чиқариш якунлангандан кейин маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчигача бўлган ҳаракатларни, барча жараёнларни қамраб олади.

3-боб. Ёғ-мой маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

4. Муомалага чиқарилётган ёғ-мой маҳсулотларидан белгиланган мақсадда фойдаланган ҳолда озуқавий ёғ-мой маҳсулотлари яроқлилик муддати давомида озуқавий бўлмаган ёғ-мой маҳсулотлари сақланиш муддати давомида инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказмаслиги керак.

5. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сақлаш, ташиш, муомалага чиқариш ва утилизация қилиш (қайта ишлаш) мобайнида Техник регламентда белгиланган риоя қилиниши мажбурий бўлган санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

1-§. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативлар

6. Озуқавий ёғ-мой маҳсулотларининг токсик элементлари, микотоксин ва радионуклидлар, пестицидлар, антибиотиклар, диоксинлар, ёғ кислоталарининг трансизомерлари, оксидловчи бузилиш кўрсаткичлари, бенз(а)пирен, синил, эрук кислотаси ҳамда госсипол кўрсаткичи ушбу Техник регламентга 4-8-иловаларда кўрсатилган ва рухсат берилган даражадан юқори бўлмаслиги керак.

7. Озуқавий ёғ-мой маҳсулотларининг физик-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари ушбу Техник регламентга 9-иловада кўрсатилган хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

8. Озуқавий бўлмаган ёғ-мой маҳсулотлари ушбу Техник регламентга 10-иловада кўрсатилган хавфсизлик кўрсаткичларининг рухсат берилган даражаси нормаларига жавоб бериши керак.

9. Хомашёдан ген-инженеринг усули билан олинган ва таркибида ДНК (оқсил) мавжуд бўлган ёғ-мой маҳсулотлари, токсикология текширувларидан ўтказилиб, уларнинг озуқавий мақсадларда ишлатилиши юзасидан озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат назорати органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

2-§. Ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган талаблар

10. Ишлаб чиқариш бинолари (цех, омбор, бўлим ва бошқа бинолар) ва ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган технологик ускуналар, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр ёғ-мой маҳсулотларининг ифлосланишини истисно қилган ҳолда бўлиши керак.

11. Хавфсизлик талаблари билан боғлиқ озуқавий ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш (тайёрлаш) жараёнларида ишлаб чиқарувчи корхоналар 2022 йил 1 январгача ХАССП (Hazard Analysis and Critical Control Points) тамойилларига асосланган тартиботларни ишлаб чиқиши ва жорий қилиши ҳамда бажарилишини таъминлаши керак.

12. Ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлар ифлосланишининг олдини олиш учун белгиланган тартиб ва шароитларга риоя қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

13. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда атроф муҳитга таъсирни баҳолашдан ўтиши ва ваколатли орган томонидан тасдиқланган экологик стандартларга мувофиқ бўлиши керак.

14. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё, ингредиентлар, озуқавий қўшимчалар, технологик воситалар техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

15. Ёғ-мой маҳсулотларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги хавфсизлиги қуйидагича таъминланиши керак:

а) ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида (бўлимларида) технологик жараёнлар ва уларни амалга ошириш усуллари танлаш;

б) ишлаб чиқарилаётган озуқавий ёғ-мой маҳсулотлари ифлосланишини истисно қиладиган технологик жараёнларнинг мақбул кетма-кетлигини танлаш;

в) технологик ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

г) ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва озуқавий қўшимчаларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

д) ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш бинолари, ишлатиладиган технологик ускуналар ва жиҳозларни озуқавий ёғ-мой маҳсулотларининг ифлосланишини истисно қиладиган шароитда сақлаш;

е) ишлаб чиқариш биноларини санитария тозалаш, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация қилиш, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган технологик ускуналар ва жиҳозларни санитария тозалаш ва дезинфекция қилиш усуллари ва кетма-кетлигини танлаш. Ишлаб чиқариш бинолари ва технологик ускуналарнинг санитария тозалаш ишлари, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация қилиш кетма-кетлиги, ёғ-мой маҳсулотларининг ифлосланиши ҳавфини истисно этадиган вақт оралиғида белгиланиши лозим. Тозалаш ишларини олиб бориш кетма-кетлиги ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланади;

ж) ушбу Техник регламент талабларига мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатларни юритиш ва сақлаш.

16. Ёғ-мой маҳсулотларининг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарувчи белгиланган талабларга мослиги юзасидан ишлаб чиқариш назорати дастурини тайёрлаши ва белгиланган назоратни ташкил қилиши лозим.

Мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлик бўйича ишлаб чиқариш назорати қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) ушбу Техник регламентда белгиланган ёғ-мой маҳсулотларига қўйиладиган талабларга мувофиқлик билан боғлиқ бўлган назорат қилинадиган параметрларнинг рўйхати ва меъёрлари;

б) ишлаб чиқаришни назорат қилиш тадбирлари ва уларнинг даврийлиги тўғрисидаги маълумотлар (хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синовларнинг даврийлиги маҳсулотга оид норматив ҳужжатлар талаблари асосида, аммо бир чоракда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда белгиланади);

в) хомашё ва озиқ-овқат қўшимчалари, қадоқлаш материаллари, тайёр маҳсулотлар хавфсизлиги назорат параметрларининг рўйхати ва қийматлари.

Ушбу Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича ишлаб чиқариш назорати дастури ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилот раҳбари ёки белгиланган тартибда ваколатга эга шахс томонидан тасдиқланади.

3-§. Ёғ-мой маҳсулотларини қадоқлашга қўйиладиган талаблар

17. Ёғ-мой маҳсулотларининг қадоғи, озуқавий ёғ-мой маҳсулотларининг яроқлилик муддати ва озуқавий бўлмаган ёғ-мой маҳсулотларининг сақланиш муддати мобайнида муомалада бўлганда маҳсулот хавфсизлигини ва идентификация қилиш белгилари ўзгармаслиги таъминланиши лозим.

18. Озуқавий ёғ-мой маҳсулотининг истеъмол қадоғи шикастланганда ёғ-мой маҳсулотларининг эгаси томонидан мустақил равишда ёки ваколатли идораларнинг огоҳлантиришига кўра муомаладан чиқариб ташланиши керак.

19. Ёғ-мой маҳсулотларига тегиб турадиган қадоқлар (қадоқлаш учун ишлатиладиган материаллар) Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган қадоқларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши керак.

20. Ишлатилган қадоқ материаллини инсон ҳаёти, соғлиғи муҳофазаси ва атроф муҳит хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қайта ишлаш, утилизация қилиш ва йўқ қилиш имкони бўлиши лозим.

4-§. Ёғ-мой маҳсулотларини тамғалашга қўйиладиган талаблар

21. Ёғ-мой маҳсулотларини тамғалаш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 июлдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламент талабларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Озуқавий ёғ-мой маҳсулотларини тамғалашдаги маълумотлар давлат тилида баён қилинади. Мазкур маълумот яна бошқа тилларда ҳам баён этилиши мумкин, бунда унинг мазмуни давлат тилидаги маълумот мазмуни билан бир хил бўлиши лозим.

23. Тамғалашда ушбу Техник регламентнинг 4-банди ва унга 1, 2 ва 3-иловаларда кўзда тутилган таърифлар асосида шаклланган маҳсулотлар номидаги сўзлар тартибини ўзгартиришга йўл қўйилади. Масалан: “рафинацияланган дезодорацияланган соя мойи”, “соя мойи рафинацияланган дезодорацияланган”, “ёғ пиширик учун”, “пиширик учун ёғ”, “майонезли соус”, “соус майонезли” ва бошқалар.

24. Маргарин ва спредларнинг номларида “ёғ” сўзини, у билан бир хил ўзакли сўзларни, шунингдек, “ёғ” сўзини ўз ичига олган ибораларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

25. Озуқавий ёғ-мой маҳсулотлари қадоғидаги тамғалаш тушунарли, осон ўқиладиган, аниқ ва истеъмолчиларни чалғитишга олиб келмайдиган бўлиши, бунда ёзувлар, белгилар, рамзлар тамғалаш жойлаштирилган фонддан фарқ қилиши керак.

Яроқлилиқ муддати ва ишлаб чиқарилган сана учун шрифт ўлчами mm да қуйидагича бўлиши лозим:

маҳсулот массаси 100 граммгача бўлганда - 2,8 mm дан кам эмас;

маҳсулот массаси 100 граммдан кўп бўлганда - 3,2 mm дан кам эмас.

26. Озуқавий ёғ-мой маҳсулотларининг истеъмол қадоғини тамғалашда қуйидаги маълумотлар келтирилиши керак:

Техник регламентнинг 4-бандига ва унга 1-иловада кўрсатилган номланишга мувофиқ озуқавий ёғ-мой маҳсулотларининг номи;

Техник регламентга 2-иловага мувофиқ ўсимлик мойи олинадиган мойли хомашёнинг номидан келиб чиқиб ўсимлик мойи турларининг номланиши (зайтун мойининг номланиши Техник регламентга 3-иловага мувофиқ кўрсатилади) ҳамда ушбу мойнинг маълум тозаланиш жараёнларидан ўтганидан келиб чиқиб тозаланганлик даражасида кўрсатилади, масалан, “рафинацияланмаган кунгабоқар мойи” ёки “рафинацияланган соя мойи” ёки “рафинацияланган дезодорацияланган рапс мойи” ва бошқалар;

ўсимлик қўшимчалари қўшилган ўсимлик мойи номига, маҳсулотга қўшилган ўсимлик қўшимчасининг номи кўрсатилишига рухсат этилади;

хушбўйлантирилган ўсимлик мойи учун (тегишли хушбўй қўшимчанинг номи кўрсатилган) хушбўйли “(ўсимлик мойи олинган хомашё номига асосан мой тури) мой”; ўсимлик экстракти қўшилган ўсимлик мойи учун “(экстракт олинадиган ўсимлик номи) экстракти (ўсимлик мойи олинган хомашё номига асосан мой тури) мой” номланишига рухсат берилади; витаминлар қўшилган ўсимлик мойи учун “витаминлаштирилган (ўсимлик мойи олинган хомашё номига асосан мой тури) мой” номланиши кўрсатилади;

ўсимлик мойи аралашмалари (омухта) учун – ўсимлик мойларини номлари техник жиҳатдан тартибга солиш объектлари номини кўрсатмасдан уларнинг масса улуши камайиши тартибида кўрсатилишига рухсат берилади, масалан, “ўсимлик мойи омухтаси”, “кунгабоқар-соя мойи”, “пахта-махсар мойи”;

ўсимлик мойлари фракциялари учун – номланишда фракцияланган мой турининг номи ва фракцияси номи кўрсатилади, масалан, “пахта пальмитини”, “пальма олеини” ва бошқалар;

маҳсус қўлланишга мўлжалланган ёғлар учун – номланишда техник жихатдан тартибга солиш объектининг номи – “маҳсус қўлланишга мўлжалланган ёғ” кўрсатилади, бундан ташқари ишлатиладиган ёғнинг қўлланилишига мувофиқ номи киритилишига, масалан, “қандолатчилик ёғи”, “новвойчилик ёғи” ва бошқаларга рухсат берилади.

27. Битта ингредиентдан ташкил топган озуқавий ёғ-мой маҳсулотларига, агар маҳсулотларнинг номи ушбу ингредиентнинг номига мос келадиган бўлса, ёғ-мой маҳсулотлари таркибини кўрсатиш шарт эмас.

28. Ёғ-мой маҳсулотларининг озуқавий қиймати (маҳсулотнинг 100 граммидаги энергетик қиймати, оксиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар) кўрсатилади.

Оксиллар, ёғлар, углеводлар ва калориялилиги энергетик қиймати тўғрисида маълумот уларнинг 100 грамм озиқ-овқат маҳсулотидagi қиймати камида 2 фоизни, минераллар ва витаминлар учун тавсия этилган кунлик истеъмолнинг камида 5 фоизини ташкил этадиган ҳолатларда берилади.

29. Ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган манзили, ишлаб чиқарувчи томонидан ёғ-мой маҳсулотларига сотиб олувчиларнинг эътирозларини қабул қилиш ваколати берилган республика ҳудудида ташкил этилган ташкилот (импорт қилувчи)лар, шу жумладан, хорижий ёки ишлаб чиқарувчи томонидан ёғ-мой маҳсулотларига сотиб олувчиларнинг эътирозларини қабул қилиш ваколати берилган яқка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва жойлашган манзили, шу жумладан, хорижий ишлаб чиқарувчи функциясини бажарувчи шахснинг (мавжуд бўлса) номи ва жойлашган манзили кўрсатилади.

Тайёрловчи (ишлаб чиқарувчи), қадоқловчи, етказиб берувчи, ёғ-мой маҳсулотларининг сифати бўйича эътирозларни қабул қилувчи ташкилотлар ва лицензиатлар (агар ёғ-мой маҳсулотлари лицензия асосида ишлаб чиқарилган бўлса) почта манзилига давлат, шаҳар (вилоят ва аҳоли пункти), кўча, уй рақами, офис, товар белгиси киритилиши керак. Қўшимча равишда факс ва телефон рақами кўрсатилиши мумкин.

Агар ёғ-мой маҳсулоти тайёрловчи (ишлаб чиқарувчи) бир вақтнинг ўзида қадоқловчи ҳам бўлмаса, истеъмолчи учун тайёрланган маълумотда тайёрловчи (ишлаб чиқарувчи) номи ва манзилидан ташқари қадоқловчининг ҳам номи ва манзили кўрсатилади.

30. Четдан келтириладиган ёғ-мой маҳсулотлари учун генетик модификацияланган организмлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот қонунчилик талабларига мувофиқ кўрсатилади.

31. Истеъмолчига бериладиган маълумотда ёғ-мой маҳсулотларининг ҳажми ва асосий ўлчамлари, брутто, нетто массаси қадоқда (идиш) метрик ўлчов тизимида (халқаро ўлчовлар тизими) кўрсатилади.

32. Ёғ-мой маҳсулотларининг тайёрланган (ишлаб чиқарилган) санаси ёрлиқда ёки қадоқ (идиш)да “Тайёрланган (ишлаб чиқарилган...) (сана)” сўзлари билан кўрсатилади.